

Жиноят оқибатлари ва жазонинг мутаносиблиги

Бугунги юзага келган объектив воқелик миллий қадриятимизга ва жаҳон ҳамжамияти эътирофи этган инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ислохотларнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишни тақозо этади.

Инсонпарварлик жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнининг таркибий қисми сифатида унга мутаносиб бўлган ҳолда у орқали ҳозирги кунда жазолаш хусусияти билан ажралиб турадиган ҳуқуқни қўллаш соҳасини эркинлаштирмоқда. Давлатимиз раҳбари И.Каримов таъкидлаганидек, “биз ҳокимиятнинг учинчи тармоғи – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берамиз”¹.

Кишилиқ жамиятида жиноятчиликка қарши кураш доимо ахлоқ-одоб қоидалари воситаси билан бир қаторда турлича жазоларни қўллаш орқали амалга оширилиб келган. Барча давлатларда ва ҳамма даврларда жиноят деб ҳисобланган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар кўлами ҳам, улар учун белгиланган жазо чоралари ҳам бир зайлда бўлган эмас².

Инсонга жазо унинг нафақат ижтимоий хавфли ҳаракати учун, балки ундан келиб чиқадиган оқибатларга қараб белгиланади. Бирор жиноят оқибатсиз бўлмайди. Шу нуқтаи назардан Г.Новосельев ўзининг бир мақоласини жиноят жиноий оқибатларсиз бўлмайди деб номлагани бежиз эмас³. Ҳар бир қилмиш хавфли оқибати бор экан-ки, қонун билан тақиқланади. Иш бўйича фақат жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик) нимадан иборат эканлигини аниқлашнинг ўзи етарли эмас. Оқибат ҳам маънавий, ҳам моддий бўлиши мумкин. У нақадар салбий эканлиги жазо тайинлашда муҳим ўринга эга. Умуман олганда, жиноят оқибатлари тўғрисида кўп фикрлар билдирилган. Лекин шунга қарамасдан ҳанузгача ўз ечимини топмаган назарий ва амалий масалалар ҳам мавжуд. Булар жумласига жиноят оқибатларини жиноят таркибидаги ўрнини белгилашни киритиш мумкин. Баъзи муаллифлар жиноят оқибатларини объектив томонга, бошқалар тажовуз объектининг тавсифи сифатида кўришади. Жиноятнинг оқибати объектга қарши қаратилган ва айни вақтда жиноятнинг объектив томони мазмунига боғлиқ. В.Н.Кудрявцевнинг фикрича, жиноий оқибат, бу қонун билан қўриқланадиган тажовуз объекти бўлмиш ижтимоий муносабатлар ва уларнинг иштирокчиларига ҳаракат (ҳаракатсизлик) билан жиноий ҳуқуқий нормада белгиланган моддий ва маънавий зарар етказишдан иборат⁴.

Ҳуқуқий адабиётларда жиноятларнинг моддий ва расмий турлари ҳақида қарашлар қачон ва қай тарзда шаклланиши тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.

* Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси

¹ Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –43 б.

² Абдумажидов Ғ. Оғир жазолар самара бермайди. // ТДЮИ Ахборотномаси. 2007. №1 55-6.

³ Новоселов Г. Без преступных последствий нет преступления // Российская юстиция. 2001. №3. С.56.

⁴ Кудрявцев В.Н. Объективная сторона преступления. М., 1960.С.197

Лекин, назаримизда, дастлаб ҳар қандай жиноят моддий бўлиши ҳақида қарашлар мавжуд бўлиб, кейин эса баъзи қилмишлар муайян моддий оқибатларга олиб келмаса-да, ижтимоий онг ва маънавиятга путур етказиши сабабли жиноят 1956 деб ҳисоблана бошлаган. Демак, моддий жиноятлар тушунчаси – аввал, расмий деб аталувчи маънавий жиноятлар тушунчаси – кейинроқ шаклланган. Бунга кўплаб асрлар давомида жиноят қай тарзда юз берган, уни ким ва қандай вазиятларда, нима сабабдан ва қанақа мақсадда содир этганига оид амалий кузатувлар асос бўлган.

Жазо белгилашда, аввало, жиноят оқибати, ушбу оқибатнинг келиб чиқиш сабаблари тўла аниқланиши, жазонинг адолатли бўлишига замин яратади.

Шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб ҳисоблаш учун нафақат ижтимоий хавфли қилмишнинг муайян шахс томонидан содир қилиниши, балки содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфли эканлигини шахс англаганлиги ва айтилиш вақтида ўз қилмишининг оқибатини кўра билганлигини аниқлаш шарт. Ана шу оқибат юз бериши мумкин эканлигини, жиноятни содир этган шахс англаши ва англаган бўлиши лозим. Масалан, шахсга тухмат қилиниши натижасида, у бу тухматни руҳан кўтара олмай, тушкунликка учраб, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етиши учун шахснинг жавобгарлиги кучайиши шубҳасиз. Бу ерда тухмат қилиш қасддан (формал ЖК 139-м.), иккинчи томондан ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (моддий жиноят ЖК 103-м.) эҳтиётсизлик орқасида содир этилганлигини кузатиш мумкин. Шахс ўз тухматини қандай оғир оқибатларга олиб келишини истамаган бўлса-да, бунда юз бериши мумкинлигини кўра билган ёхуд англаши лозим бўлган бўлиши керак. Бу ҳолатда жиноят биринчи ҳаракатга нисбатан қасддан, оқибатига эса эҳтиётсизлик орқасида содир этилмоқда.

Жиноят қонуни жинойий оқибатлар нимадан иборат эканлигини аниқ кўрсатмайди. Фанда ҳам бу масала мунозарали.

А.Мамедовнинг таъкидлашича, баъзи ҳолларда бир жиноят бир қанча оқибатларга олиб келиши мумкин. Муайян ҳолларда жиноят натижасида келиб чиқадиган бир қанча оқибатлар ижтимоий муносабатларнинг бошқа турлари ўзаро боғлиқлиги натижасида у ёки бу муносабатларни ўзгариши билан ифодаланади⁵.

Бу оқибатлар ҳақиқий ва юридик бўлиши мумкин. Ҳақиқий оқибатларга ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида келиб чиққан барча оқибатлар, юридикка эса, фақат жиноят қонунчилигида белгиланган оқибатлар киради.

Юридик адабиётларда жинойтнинг маънавий (инсоннинг ахлоқий тарбиясига зарар етказиш), жисмоний (инсон ўлими, соғлиғига шикаст етказиш), моддий (мулкий зарар), экологик (атроф табиий муҳитни ифлослантириш), сиёсий оқибатлари тўғрисида фикрлар билдирилган. Сиёсий оқибатлар ўз ичига жамият ва давлат тузуми ёки ҳуқуқ тартибот учун хавф туғдирадиган оқибатларни ҳам қамраб олади. Мулкий оқибатни ҳисобга

⁵ Мамедов А. Соотношение и взаимосвязь объекта и объективной стороны преступления // Уголовное право. 1999. №2. С.56.

олганда, фақат унинг нархи эмас, балки моддий зарар кўрган жабрланувчи (ёки юридик шахс) учун у қанчалик аҳамиятли эканлигини эътиборга олиш лозим. Қонунда эса бу масала миқдор (масалан, минимал ойлик) билан белгиланган. Жиноятларни тавсиф қилишда ушбу масалани ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Демак, келтирилган зарарнинг миқдоридан ташқари, зарар кўрган жабрланувчи (ёки юридик шахс) учун бу мулкнинг қадри ҳам инобатга олинishi лозим.

Шўро даврида агарда бирор турдаги жиноят миқдори ошиб кетса, тезликда жазони кучайтириш масаласи қўйиларди. Шу боис, ўша даврда ўғрилик, порахўрлик безорилик, савдогарлик каби жиноятлар учун жазони оғирлаштириш тўғрисида қонунлар ишлаб чиқилган, баъзи жиноятлар учун жазолар ҳаддан ташқари юқори бўлган. Жиноятчилик билан курашишда жазони оғирлаштириш эмас, балки уни меъёрида тайинлаш усули самарали экани, шубҳасиз.

Агар шахс ўз хоҳиши билан жиноятни охирига етказмаган бўлса, ҳеч қачон унга максимал жазо тайинланиши мумкин эмас. Оқибат келиб чиқмаган тақдирда, шуни эътиборга олиб жазо меъёри либераллаштирилиши муҳимдир.

Жазони белгилаш уни содир этишга таъсир этган иқтисодий омилларни, шахсга нисбатан қилинган, унинг руҳиятига таъсир қилган ҳаракатлар, далолатлар, қўрқитишларни ҳам ҳисобга олиш ўринлидир. Шахсни жиноятнинг зарарли оқибатларини тўхтатишга, бартараф этишга қаратилган фаол ҳаракатлари инобатга олинishi керак.

Жиноят содир этган шахсга жазо тайинлаш унга жисмоний изтироб бериш ёки кадр-қимматини камситишни назарда тутмасдан, уни қайта тарбияланиши ва янгитдан жиноят содир этмаслиги учун зарур ва етарли таъсир чораларини инсонпарварлик тамойилининг моҳиятини белгилайди⁶. Жазо меъёри содир этилган жиноят оғирлигидан бир миқдор ҳам ортиқ бўлмаслиги лозим.

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда жиноят қонунчилигини либераллаштириш соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бунга мисол қилиб, етказилган моддий зарар миқдори қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чораси қўлланмаслиги тўғрисидаги норма жиноят қонунчилигимизнинг бир қанча моддаларида (ЖК 132, 167, 170, 173, 175, 180, 181, 198, 202, 233-моддалари) акс этганлигини келтириш мумкин.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Жиноят қонунчилигимиз Махсус қисм диспозицияларида оқибатлар: оғир оқибатлар (ЖК 118, 119, 125, 137, 139-моддалари), бошқа оғир оқибатлар (ЖК 155, 162-моддалари), бошқача оғир оқибатлар (ЖК 114, 116, 117, 155-моддалари), анча миқдорда (ЖК 164, 169-моддалари) сифатида белгиланган. Фикримизча, келтирилган оқибат турларининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришлари ёрдамида аниқлаштирилиши мақсадга

⁶ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. “Илм зиё. 2006. 36-б.

мувофиқ бўлар эди. Чунки, амалиётда ушбу сўзлар турлича таҳлил қилинишини олдини олган бўлар эди.

Дарҳақиқат, содир этилган жиноятга нисбатан жазонинг мутаносиб бўлиши, мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг самарасини янада оширади.